

ЎҚУВЧИЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Н.Сайымбетова , Ю.М.Утемуратова,
Бердак номидаги ККДУ ассистент уқитувчиси*

Аннотация : “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади таълим тизимини такомиллаштириш ва уни жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил қилиш, давлат ва халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш учун хизмат қилишдан иборатдир.

Калит сўз: иқтисодий фаолият, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, иқтисодий тарбияси, ўқувчиларида хусусий тадбиркорлик кўникмалари.

Инсон шахсининг ҳар томонлама камол топишида, уларнинг билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишида, атроф-оламга муносабат шакллари ва хулқи, одоб меъёрларини эгаллаб олишида фаолиятнинг ўрни катта.

Ҳар қандай фаолият, мақсад, услуб, натижа ва жараёнлардан иборат бўлади. У бир томондан жисмоний ҳаракатларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ақлий ҳаракат воситасида онгда содир бўлади. Меҳнат, ўйин, ўқиш инсон фаолиятининг асосий турлари саналади.

Инсон фаолияти – унинг ривожланиши учун зарур шароит, ана шу шароит жараёнида ҳаётини тажрибага эга бўлади, атроф-оламни идрок этади, билимларни ўзлаштиради, малака ва кўникмалар ҳосил қилади. Ана шулар ёрдамида фаолият ривожланади. Ижодкорлик эса сифат жиҳатдан янги, моддий ва маънавий бойликлар яратувчи инсон фаолияти жараёни бўлиб, у ўзида инсоннинг меҳнатда намоён бўлган қобилиятини ифодалайди.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади таълим тизимини такомиллаштириш ва уни жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил қилиш, давлат ва халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш учун хизмат қилишдан иборатдир. Бунда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга қаратилган таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишдан иборат. Шу сабабли ҳам давлатимизда таълим тизимини тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган асосий мақсадлардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мослаша оладиган, рақобатбордош, фаол ва ижодкор шахсларни шакллантиришдан иборат этиб белгиланган бўлиб, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун

шарт-шароитлар яратиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда умумий ўрта таълим мактаблари меҳнат таълими дарсларида етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, келажакда ўқувчилар кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Шу боисдан, меҳнат таълими дарсларини бозор муносабатлари талаблари асосида ташкил этиб, ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишни қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўқувчиларнинг иқтисодий тайёргарлигининг такомиллаштирилишини, ўқувчиларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллашларини таъминлаб, иқтисодий ишлаб чиқаришни ташкил этишда назарий ва амалий кўникмаларнинг ўзаро уйғун шаклланиши, меҳнат самарадорлигининг оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Бу маънода ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг иқтисодий тарбияси, уларда хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш йўллари ишлаб чиқиш, уларни амалда жорий этиш таълим назарияси, методикаси ҳамда амалиётининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий таълим-тарбия муаммосига бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган, адабиётлар нашр эттирилган. Жумладан, С.Бобоқулов томонидан олиб борилган тадқиқотда муаллиф асосий эътиборни иқтисодий тарбия тизимида қуйидагиларни назарда тутади:

- иқтисодий ва меҳнат тарбияси бирлигини таъминлаш, ўқишни амалиётга боғлаш;

- ишлаб чиқариш таълимини, ўқувчиларнинг ёзги таътилдаги ижтимоий меҳнатини иқтисодий билим ва топшириқлар билан бойитиш;

- синфдан ташқари ишларда таълим-тарбияни ривожлантириш (таълим муассасаси моддий бойликларини асраб-авайлаш ҳақида суҳбатлар, хўжалик юритиш солиқ, сарф – харажатлар, моддий бойликларни тежаш билан боғлиқ турли мусобақалар). Шубҳасиз буларнинг барчаси ўқувчилар фаоллигини ошириб, иқтисодий саводхонликни шакллантиришга хизмат қилади.

А.Ўлмасовнинг таъкидлашича, кўпгина ўқитувчилар иқтисодий билим беришнинг анъанавий, яъни илгари қўлланилган усулларни яхши ўзлаштириб олишган, лекин улар ўқитишнинг янги технологиясидан етарли даражада хабардор эмаслар. Шунинг учун назарий дарсларда диалог усулини қўллаш, иқтисодий топшириқларни бажариш ва масалалар ечиш, кўргазма воситалардан фойдаланиш, кичик гуруҳлар баҳсини ташкил этиш, видеолавҳаларни шарҳлаш, амалий ўйинлар, компьютер ўйинлари, мустақил билим олиш ва бошқалар иқтисодий таълим самарадорлигини оширади.

Таълим муассасаларида, хусусан, ўрта-махсус ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос қатор муаммолар мавжуд:

- иқтисодий таълим-тарбия бериш методикаси бугунги замон талаблари даражасида замонавий педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилмаганлиги;

- ўқувчиларда хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш иқтисодий йўналишдаги фан ёки курсларни ўзлаштириш натижалари орқали баҳоланиши, хусусий тадбиркорлик кўникмаларининг юқори даражада шаклланиши жуда узоқ вақтни талаб қилади;

- ўқувчиларда хусусий тадбиркорлик кўникмаларни шакллантириш йўллари ишлаб чиқилиб, аниқ мақсадлар қўйилган бўлса-да, қисқа вақт ичида ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Сабаби натижалар объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ бўлади;

- ўқувчиларнинг хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва шахнинг камол топишида бошқа кишиларнинг, ижтимоий муҳит, оила ва бутун жамиятнинг таъсири остида кечади.

Бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларда иқтисодий фаолият кўникмаларини шакллантиришда яна муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири ўқувчиларнинг гуруҳдаги фаолиятини йўлга қўйишдир. Бу жараёнда ўқувчилар мавжуд иқтисодий билимларини амалиётда қўллай олиш имкониятига эга бўладилар; иқтисодий билимлари янада бойийди; назарий билимларни амалиётда самарали қўллаш кўникмаси ва малакаси тарбияланади; иқтисодий маданиятнинг шаклланиши учун шароит юзага келади.

Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўрта махсус ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни белгилашда хусусий тадбиркорликнинг турли ижтимоий-маданий воситалар ва таъсирлар остида шаклланишига эътибор қаратилиши лозим.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув фанлари, айниқса иқтисодий йўналишдаги фанлар дастурлари, дарслик ва қўлланмаларига хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ мазмун ва уларнинг тарғиботига оид маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.– Т .: «Истиқлол», 2004. – 511б .
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10 – 11- сон
3. А. Ўлмасов. Иқтисодий билим асослари. Коллеж ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар учун ўқув қўлланма. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2003. – (3-4 б)
4. С. Бобоқулов. Ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантириш методикаси (ноиқтисодий йўналишдаги касб – ҳунар коллежлари мисолида): пед.фан.номзоди илмий дар.олиш учун ёз дис. - Т., 2007 - 31б.